



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG'I

2021 yil "24" 02

№ 36

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 январдаги  
“Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда  
шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4954-сон қарори ижроси тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 январдаги “Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4954-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 январдаги “Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4954-сон қарори ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси ва бошқа мамлакатлар ташаббуси билан 2019 йил 2 декабрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг шахматни ривожлантириш бўйича махсус резолюцияси қабул қилинганлиги ва ушбу резолюцияга мувофиқ 20 июл Бутунжаҳон шахмат куни этиб эълон қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.


3. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг спорт тарғиботчисига (К.Давлатов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати ходимлари ўртасида ҳар йили март ва сентябр ойларида “Шахмат кунлари”ни ташкил этиш ҳамда ушбу кунда ходимлар ўртасида шахмат бўйича мусобақалар ўтказиш, шунингдек, малакали шахматчилар билан учрашувлар ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

4. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (З.Гулямов) қарор ижросини таъминлаш мақсадида ҳар йили ўтказиладиган спорт мусобақаларида ғолиб бўлган ходимларни (1-ўрин учун – 2 млн, 2-ўрин учун – 1 млн, 3-ўрин учун – 500 минг сўм миқдориди) Ривожлантириш ва соғлиқни

сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳисобидан рағбатлантириш чораларини кўрсин.

5. Ушбу буйруkning ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А.Иноятов зиммасига юклансин.

**Вазир**

A handwritten signature in blue ink, consisting of several vertical strokes followed by a series of horizontal, wavy lines.

**А.Хаджибаев**